

# 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 8 май • № 18 (1039)


*Жасорат, бурч, матонат*

## ХОТИРА АБАДИЙ, ИНСОН ҚАДРИ МУҚАДДАС



**Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ ва барҳаётдир. Ўтганларнинг амалга оширган хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Истиқлол йилларида бу кун ҳақиқий маънода инсон қадри ва хотирасига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни кўрсатган тарихий санага айланди. Хотира ва қадрлаш – инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезони сифатида тан олинди.**

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йиллари буюк авлод-аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, ўтганлар руҳини шод этиш, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш эзгу анъанага айланди-ки, бу ўз навбатида, янги авлод тафаккурида ҳам тарихга ҳурмат билан қараш туйғусини шакллантирмоқда. Мана, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг орадан 70 йил ўтди. Аммо унинг оғир асоратлари, азобли хотиралари қалблардан ҳамон ўчгани йўқ. Бинобарин, ҳозирги тинч, дориламон кунларнинг қадрига етиш, ўтганларни ёд этиш, жанггоҳларда жон олиб, жон берган кекса авлод вакилларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Миллатнинг ҳақиқий тарбиячиси бу унинг тарихидир. Ҳар бир халқ ўз тарихини билиши замирида теран маъно мужассам. Истиқлол бизга тарихимизни ўрганиш, билиш ва у билан ғурурланиш имконини берди. Мустақиллик туфайли тарихимизга муносабат тубдан ўзгариб, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз қайта қад ростлади. Шунинг учун фахрийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш халқимизга хос азалий юксак фазилатга айланди. Уруш ўз номи билан уруш. Агар ўша оловли курашларда 1,5 млн. нафар юртдошимиз иштирок этганлигини, улардан тахминан

**(Давоми 2-бетда).**

*Конференция*

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — БОШ МАҚСАД

***2015 йилнинг 4-6 май кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон фтизиатрлари ва пульмонологларининг VIII съезди бўлиб ўтди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Германия, Италия, Нидерландия, Франция, Чехия каби йигирмага яқин давлат ҳамда мамлакатимиздан беш юздан зиёд олим, шифокор ва тадқиқотчилар иштирок этдилар.***

***Ўзбекистон фтизиатрлари ва пульмонологлари VIII съездининг тантанали очилиш маросими "Туркистон" саройида бўлиб ўтди.***



**Тантанали йиғилишда сўзга чиққан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг махсус элчиси Мишель Казачкин куйидагиларни гапириб ўтди:**

– Ўзбекистон фтизиатрлари ва пульмонологларининг нуфузли анжуманида иштирок этиш менга катта мамнуният бағишлади. Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон аҳоли саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, кишиларнинг умр кўриш кўрсаткичларини ошириш бўйича ўз стратегик мақсадини аниқ белгилаб олган мамлакатдир. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори бу борада дастуриламал бўлаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Уларнинг изчил ижроси натижасида мамлакатингизда силнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ўзига хос тизим барпо этилганлиги, бу албатта,

**(Давоми 3-бетда).**

**Расмий веб-сайтимиз: www.uzssgzt.uz * Электрон манзилимиз: info@uzssgzt.uz**

### Жасорат, бурч, матонат

# ХОТИРА АБАДИЙ, ИНСОН ҚАДРИ МУҚАДДАС

500 минг нафари қурбон бўлганлигини, қанчадан-қанча болалар етим қолганлигини инобатга олсак, бу даҳшатли фожиа бирор-бир хонадонни четлаб ўтмаганига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Шу боис, мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ўз жонини қурбон қилган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштиришга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида ташкил этилган Хотира майдонларидаги хотира китобларида уруш йилларида ҳалок бўлган ва бедарак кетганларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Бу уларнинг мардлиги ва жасорати эътирофи бўлиб, ёш авлод вакилларини ушбу уруш фожиасидан сабоқ чиқаришга даъват этади, айни пайтда мамлакатимизда инсон хотираси абадий, қадр-қиммати муқаддас эканини тасдиқлайди.

Бугунги дориламон кунларда биз билан бирга умргузаронлик қилаётган фахрийлар давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Фахрийларга ҳар томонлама юксак ҳурмат ва ғамхўрлик кўрсатилиб, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган ва фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги байрам қилинадиган жорий йилда Хотира ва қадрлаш куни алоҳида мазмун-моҳият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, уруш иштирокчилари ва фронт орти фахрийларига пенсия ва нафақалардан ташқари бошқа ижтимоий ёрдамлар ҳам кўрсатилмоқда. Бу уларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, санаторий ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия мосламалари, ногиронлик аравачалари ва бошқа зарур воситалар, жамоат транспортида бепул юришини таъминлашда ўз ифодасини топмоқда.

Мустақиллик майдонида жойлашган "Мотамсаро она" ҳайкали, унда ота-онаси, опа-укалари, турмуш ўртоғи ва фарзандини йўқотган она сиймосининг кўзларида уруш қолдирган аччиқ аламни кўриб, беихтиёр ўйга толасан киши. Бугун бу ерга нафақат юртдошларимиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларидан хорижлик меҳмонлар ҳам ташриф буюришмоқда. Улар ўзбек халқи энг қийин даврларда барча миллат вакилларига ўз уйидан жой бергани, сўнгги зоғора нонини ҳам бўлишиб еганини, бу эса бошқа миллатларнинг генофондини асрашда муҳим аҳамият касб этишини тўлқинланиб сўзлашганида, қалбимиз чуқур ифтихорга тўлади. Ўйлаймизки, мазкур мажмуа ёш авлод онгида мустақиллик, юксак маънавиятимиз, тарихимиздан сўзлагувчи гўша бўлиб қолаверади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 26 мартдаги "Умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фахрийларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, нуронийларнинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида дам олиб, даволаниши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Лойиҳа давомида фахрийларга ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва клиникалар ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида тиббий ёрдам кўрсатилиши, жойларда юқори малакали мутахассислар томонидан кўргазмали мураккаб жарроҳлик операциялари амалга оширилиши, ҳудудий тиббиёт муассасалари амалиётига етмишдан зиёд янги даволаш ва диагностика усуллари татбиқ этилиши, албатта, қувонарли ҳолдир.

Зотан миллат шаъни, Ватан озодлиги йўлида курашган инсонлар ҳар қанча таҳсину эъзозга муносиб. 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқароларга алоҳида эътибор қаратиш, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтиришда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 14 апрелдаги "Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу кунларда юқоридаги фармон асосида жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, уларга кекса авлод вакиллари, ёшлар, жамоатчилик вакиллари кенг жалб этилмоқда. Чунки бунинг



тарбиявий аҳамияти ҳам беқиёсдир. Учрашувлар давомида уруш қатнашчилари ўзлари босиб ўтган ҳаёт йўллари ҳақида сўзлаб, ёшларни огоҳликка, ота-боболаримиз анъаналарига содиқ бўлишга, бебаҳо неъмат саналган тинчликни, мустақилликни кўз қорачиғидек асрашга даъват этмоқдалар.

Фармонга кўра, 2015 йилнинг 1 майидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаш белгиланди. 2015 йил 23 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг "Республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига темир йўл транспортида бепул юриш ва ҳаво транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди.

Бунга кўра, республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ҳар йили бир марта бориш ва келишда темир йўл транспортида бепул юриш ҳуқуқи, шунингдек, ҳаво транспортида юришда йўл ҳақи қийматининг 50 фоизи миқдорида чегирма тарзида имтиёз белгиланди. Шунингдек, I гуруҳ ногиронлиги бўлган уруш ва меҳнат фронти фахрийларини кузатиб бораётган бир нафар шахс учун ҳам бепул ва имтиёзли юришга чипта олиш ҳуқуқи берилди.

Дарҳақиқат, кўпни кўрган, ҳурматли фахрийларимизнинг дуолари ижобат бўлиб, мамлакатимизда улкан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Зеро, ўз келажагига ишонган, миллий қадриятларини қадрлаган кексалар, нуроний отахон ва мўътабар онахонларини эъзозлаган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

### Тадбир

# УЛАР ДОИМО ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОРДА



***Жорий йилнинг 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда вазирлик аппарати ходимлари, фронт орти фахрийлари ва кўп йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимида хизмат қилган меҳнат фахрийлари иштирок этдилар.***

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Сайдмурод Сайдалиев кириш сўзи билан очиб, аввало, иштирокчиларни байрам билан қутлади. Сўнгра, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган тиббиёт ходимлари хотирасини тилга олиб, айни кунда кексалик гаштини сураётган фахрийларимиз ҳамда халқимиз саломатлиги йўлида кўп йиллардан буён хизмат қилиб келаётган соҳа мутахассислари фаолиятини эътироф этиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси Фарҳод Ханапияев ҳам барчани мазкур сана билан самимий табриклаб, соғлиқни сақлаш тизимида ўзининг кўп йиллик меҳнатлари билан обрў-эътибор қозонган тиббиёт ходимлари меҳнатини мамнунлик билан тилга олди.

– Истиқлолимиз шарофати билан мамлакатимизда инсон саломатлиги ва унинг манфаати йўлида эзгу ишларнинг амалга оширилаётганлиги, бу албатта, Президентимизнинг одилона сиёсатидан бири бўлиб, ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади ва ана шундай жаннатмакон юртда яшаётганлигимизга шукроналар келтирамиз. Бугунги тадбир биз каби меҳнат фахрийларига бўлган ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин намунасидир. Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур тизимда кўп йиллар меҳнат қилган ҳамкасбларимиз хизматини



эътироф этар эканлар, қалбимиз янада қувончга тўлиб, хонадонимиз файзли, дастурхонимиз эса тўкин-сочин бўлишини чин дилдан истаб қоламан, – дейди меҳнат фахрийси Абдукарим Усмонхўжаев.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши томонидан фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Байрам тадбирида В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг ўқитувчи ва ўқувчилари ўзларининг қалбга ором бахш этувчи куй ва қўшиқлари билан даврага янада файз киритишди.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

Конференция

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — БОШ МАҚСАД



(Давоми. Боши 1-бетда).

қувонарли ҳолдир. Шу ўринда таъкидлашим жоизки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси томонидан қабул қилинган “2016-2020 йилларга мўлжалланган глобал дастур”га кўра, дунё миқёсида 2025 йилга бориб ушбу касалликка қарши кураш эпидемияси батамом тугатилиши керак. Шундай экан, бу жараёнда ўзбекистонлик мутахассислар ҳам фаол иштирок этишларига ишонаман.



**Анжуманда, шунингдек, Россия Тиббиёт фанлари академияси академиги, Москва пульмонология илмий-тадқиқот институти директори Александр Чучалин ҳам сўзга чиқиб, энг муҳим масалалар хусусида тўхталиб ўтди:**

– Мамлакатингиз Президенти томонидан ижтимоий хавфи юқори бўлган сил касаллигини илк босқичлариданоқ аниқлаш, даволаш тадбирларига катта аҳамият қаратилаётганини кўриб, хурсанд бўлдик. Бунга Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти билан яқиндан танишиб, яна бир бора амин бўлдим. Айниқса, марказда мураккаб молекуляр-генетик текширув ҳамда касалликни аниқлаш усулларини бажарувчи референс лабораторияси дунёнинг камдан-кам давлатларида учрайди. Шунингдек, бу борада амалга оширилаётган фаолиятлар бўйича кейинги ўн йил мобайнида юртингизда кох таёқчаси билан боғлиқ касалликка қарши курашда эришилган қатор муваффақиятлардан хабардорман. Натижада сил касаллигига чалиниш даражаси уч баробарга камайганлиги ҳам соҳа мутахассисларининг билим ва тажрибаси ҳамда илмий даражадаги изланишлари самарасидир. Ўзбекистон бу борада МДҲ мамлакатлари орасида юқори ўринда турибди. Юртингиз тиббиёт тизимининг яна бир ютуғи мени ҳайратга солди. Яъни республикангизнинг барча ҳудудларида мураккаб кардиологик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилганлиги ва бу юқори малакали кардиожарроҳлар томонидан муваффақиятли бажарилаётганлиги бутун дунё экспертлари томонидан эътироф этилаётганлиги ҳам бежиз эмас.



– Президентимиз ташаббуси билан 2009 йилда ташкил қилинган Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳам бу борадаги долзарб масалаларни ҳал этишда муносиб ҳисса қўшаётган шифо масканларидан бири. Марказ республикамизда фтизиатрия хизматини такомиллаштириш, хусусан, сил ва сурункали носпецифик ўпка касалликларига қарши курашиш, мазкур хасталикларни энг замонавий муолажалар асосида самарали даволашга хизмат қилувчи етакчи илмий муассаса ҳисобланади. Айни пайтда марказимиз қошида 10 та клиник бўлим, шунингдек, маслаҳат-ташхис поликлиникаси мавжуд. У ерда йилига беш минг нафарга яқин кишига тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратилган. Шу ўринда таъкидлашим муҳимки, бугун жаҳон миқёсида сил касалликларини даволаш самараси 85 фоизни ташкил қилади. Юртимизда эса ушбу кўрсаткич 87 фоизга етди. Бундай ижобий ўзгаришларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Давлатимиз томонидан соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ва мақсадли дастурлар асосида белгиланган вазифалар ижроси таъминланаётгани ютуқлар омилидир. Ўз навбатида саломатликка доимий эътибор соғлом кишилар учун зарурлигини ҳисобга олиб, жойларда фертиль ёшдаги аёллар ва ўсмир қизлар ўртасида бошқа тиббий таҳлиллар сингари флюорографик текширувлар ўтказилмоқда. Илгарилари сил хасталигига чалинган беморлар 8-10 ойлаб даволанган бўлса, бугун бу жараён ўрта ҳисобда 60 кун давом этмоқда. Бунинг боиси, юқори технологияларга асосланган муолажалар ва жарроҳлик амалиётларини бажариш учун етарли шароит мавжудлигидандир, – **дейди Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Мирзағолиб Тиллашайхов.**

– Аввало, Ўзбекистон фтизиатр ва пульмонологларининг VIII съездида иштирок этаётганлигимдан ғоят мамнунман. Ушбу нуфузли съезд доирасида илмий симпозиумлар, долзарб мавзудаги маърузалар, шифокор ва ҳамширалар учун маҳорат мактаблари, давра суҳбатлари ҳамда ёш олимлар танловининг бўлиб ўтганлиги ҳам мамлакат тиббиёт тизимида кўплаб ишларнинг янада ривожланиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Фтизиатрия ва пульмонология соҳасидаги фаолиятлар билан танишиш чоғида яна бир нарсадан – ҳудудларда саломатлик ҳафталиклари, она ва бола соғлиғи муҳофазасига қаратилган бепул тиббий текширувлар доимий тарзда давом этаётганлигидан бохабар бўлдим. Шу билан бирга, тадбирларда аҳоли орасида сил ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларига катта эътибор қаратилаётганлиги ҳам аҳамиятга моликдир. Албатта, мазкур съезд соҳа мутахассислари ўртасида тажриба алмашиш билан бирга, дунё тиббиётида бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиш ва ечимини кутаётган долзарб масалаларни биргаликда ҳал этиш имконини беради, – **дейди Хитой давлатидан ташриф буюрган профессор И Син.**





– Бўлиб ўтган съезд доирасида кўплаб долзарб мавзулар бўйича маърузалар қилинди. Шу жумладан, сил касаллигининг олдини олиш, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлиги қай даражада таъминлангани билан ҳам боғлиқлиги тўғрисида фикрлар билдирилди. Чунки ушбу хасталикнинг тарқалиш хавфи тўйиб овқат емаслик, организмнинг иммун тизими фаолияти сусайиши билан боғлиқ. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор ютуқларга эришилаяпти. Съезд давомида мамлакатингиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрни борлигига гувоҳ бўлдим, – **дейди “Sait Medis” компанияси бош директори Санг Ок Ли (Корея Республикаси).**

**2015 йилнинг 6 май куни** Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Унда шифокорлар учун сийдик йўллари сили, торакал хирургия, суяк бўғим сили касалликлари бўйича маҳаллий мутахассислар ҳамда хорижий давлат вакиллари томонидан маърузалар қилинди.

**Шунингдек, маҳорат дарслари доирасида ҳамширалар таълим мактаби ташкил этилди.** Унда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг бош ҳамширалари иштирок этди. Тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда марказнинг юқори малакали мутахассислари томонидан сил касаллигига оид долзарб мавзуларда тақдимотлар ўтказилди.

**Фарида АБДУСОДИҚОВА, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош фтизиопедиатри:**

– Съезд доирасида ташкил этилган маҳорат дарсларида ҳамширалар иштироки, уларнинг аҳоли орасида сил касаллигини эрта аниқлаш, олдини олиш, даво муолажаларини ўз вақтида ўтказиш бўйича чуқур маълумотга эга эканлигини кўрсатди. Улар дарс давомида маърузалар тинглаш билан бирга, жойларда бу борада олиб борилаётган фаолиятларга тўхталиб, зарурий билим кўникмаларига эга бўлдилар.

**Роза МИШЕНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ҳамширалик иши” бўйича бош мутахассиси:**

– Пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон фтизиатрлари ва пульмонологлари VIII съездида қатнашиб, унинг доирасида ўтказилган барча тадбирларда иштирок этдим. Айниқса, маҳорат мактаби доирасида ҳамширалик таълими мактабининг ташкил этилганлиги ва долзарб мавзуларнинг ўрин олганлиги болалар ўртасида сил касаллигини эрта аниқлаш, олдини олиш бўйича техник вазифаларни бажаришга бағишланганлиги алоҳида аҳамият касб этди. Асосан, мазкур хасталикни бирламчи тизимда аниқлаш ишларига эътибор қаратиш зарурлигига ҳам алоҳида урғу қаратилди. Муҳим мавзуларда олиб борилган тақдимотлар бизга маъқул бўлди. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилган қарор ҳамда вазирликнинг буйруқлари асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда.

Съезднинг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари Адҳам Икрамов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов ва бошқа расмий идора вакиллари иштирок этишди.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.**

# 12 МАЙ — ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИ

## ТИББИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

***Маълумки, бутун дунёда ҳар йили 12 майда Халқаро ҳамширалар куни кенг нишонланади. Ҳамшираларнинг касб байрамини нишонлаш қарори 1899 йилда тузилган хотин-қизларнинг биринчи касбий уюшмаси Халқаро Ҳамширалар кенгаши томонидан қабул қилинган.***

Эътироф билан айтиш жоизки, мазкур сана юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ҳар йили ўзига хос кўтаринки кайфиятда кутиб олинади. Шундай экан, бу йилги Халқаро ҳамширалар куни “Ҳамширалар – сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнидаги ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи” шиори остида ўтказилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 4 майдаги буйруғига асосан, мазкур санага бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда 12 май – Халқаро ҳамширалар кунининг 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили”, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги ҳамда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни билан ҳамоҳанг тарзда нишонланаётганлиги, албатта, қувонарлидир. Куни кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциацияси ҳамкорлигида ушбу саналарга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Соғлиқни сақлаш вазирликлари тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида кўп йиллар ишлаган фахрийлар ва айни пайтда халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган ҳамширалар иштирок этдилар.

– Аввало, жорий йилимизни Президентимиз томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши фахрийларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш халқимизга хос азалий юксак фазилатлардан бири эканлигининг яққол исботидир. Республикамиз тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган 350 мингдан ортиқ ҳамширалар меҳнати ҳам алоҳида ўринга эга. Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари боис, ҳамширалик ишида ҳам кўплаб ютуқларга эришилмоқда. Юртимизда ҳамширалик жараёни босқичлари бўйича фаолиятларнинг тўғри йўлга қўйилишида кўплаб устоз ҳамшираларимизнинг ҳиссалари катта бўлди. Бугунги ўтказилаётган тадбирда ана шундай мураббийларимизнинг иштирок этаётганликлари биз учун катта бахтдир, – **дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Рихси Салиходжаева.**

– Биз биламизки, дунёда ҳамширалик мактабини яратиб кетган Флоренс Найтингейлнинг ҳаёт фаолияти бугунги кунда бутун жаҳон ҳамширалари учун ибрат мактаби бўлиб келмоқда. Бинобарин, 12 май санаси Халқаро ҳамширалар куни деб бежизга номланмаган. Фахрий ҳамшира сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассиси Рихси Салиходжаева раҳбарлигидаги 350 мингдан ортиқ ҳамширанинг ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятлари боиси, Ўзбекистонда илғор ҳамширалик мактаби яратилганлигини эътироф этмоқчиман. Шунингдек, Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциациясининг ташкил қилинганлиги ҳам юртимиз ҳамширалари меҳнатини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ҳар йили 12 май санасида Халқаро ҳамширалар куни кўтаринки кайфиятда ўтказилиб, фахрийларга эҳтиром кўрсатилади. Мана, бугунги тадбирга биз каби меҳнат фахрийларининг таклиф этилганлиги, шунингдек, улар томонидан кўрсатилган эътибордан бошимиз кўкка етди, – дейди фахрий ҳамшира Клара Тошмуҳаммедова.

– Тиббиёт тизимида ўзининг кўп йиллик меҳнатлари билан обрў-эътибор қозонган онахонларимиз олдида таъзим қиламиз. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам кўплаб ҳамшираларимиз жангчилар ҳаётини сақлаб қолганлар. Улар ҳозир орамизда бўлмасаларда, қалбларимизда абадий яшайдилар. Айни кунларда шарафли, аммо машаққатли касб эгалари бўлган ҳамширалар меҳнатини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциацияси ҳамда унинг вилоят филиаллари олдида турган асосий вазифалардан биридир, – дейди Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциацияси раиси Гулнора Усмонова.







**Тадбирда иштирок этган меҳнат фахрийлари ҳамда республикамиз тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган тажрибали ҳамшираларга Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциациясининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши**

***юртимиз ҳамшираларини 12 май – Халқаро ҳамширалар куни билан чин дилдан, самимий қутлайди. Уларнинг халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган шарафли ишларида омадлар тилайди. Оилавий хотиржамлик ва бахт-саодат доимо ёр бўлишини истаб қолади.***



## 9 мая – День памяти и почестей

# ГЛАВНОЕ В МЕДИЦИНЕ – СЕРДЦЕМ НЕ СТАРЕТЬ

***Для тех, кто прошел огонь "сороковых-роковых", видел всю кровь и боль того страшного времени и выжил, не устает благодарить судьбу. Ветеранов Второй мировой войны, участников трудового фронта во время Второй мировой войны отличает неиссякаемая любовь к жизни, умение ценить каждое проживаемое на земле мгновение. Увы, год за годом становится все меньше тех, кто служит живым "мостом" между прошлым и настоящим, тех, на кого в мужестве и отваге должна равняться современная молодежь. Верится, что они не полегли в землю, а превратились в белых журавлей, как пел Булат Окуджава. Верится, что никогда не иссякнет родник светлой памяти о настоящих героях.***

Богаты страницы истории, связанные с войной и у одного из ведущих медицинских учреждений страны – НИИ травматологии и ортопедии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, где долгие годы трудились фронтовики. С одним из них, участником трудового фронта во время Второй мировой войны, продолжающем свою трудовую деятельность в институте на протяжении 51-го года, мы решили встретиться накануне великого праздника, "праздника с сединою на висках, праздника со слезами на глазах".

Накрахмаленный белый халат отражает свет искрящихся глаз. Кажется, невидимый, но удивительно теплый свет излучают не только глаза, но и все лицо Семенюты Алексея Яковлевича. "Жизнь нам всем дается одна, а дороги в ней разные", - улыбаясь, говорит Алексей Яковлевич. Судьба старшего научного сотрудника НИИ травматологии и ортопедии, кандидата медицинских наук занимающегося серьезной и ответственной работой по статистике травматизма в Узбекистане, анализу службы травматологии и ортопедии в республике, участника трудового фронта во время Второй мировой войны, обладателя медали «Шухрат», необычна и удивительна. Подобно богатому узору восточного ковра тонкими нитями вплетены в нее любовь, которая и привела его в Ташкент, самоотверженность в военные годы, полувековая служба на однажды выбранной стезе.

С началом войны отец Алексея Семенюты ушел на фронт "ковать" победу – он был командиром мотострелкового батальона. А 15-летний мальчишка встал у токарного станка. "Работали практически без отдыха, да и о каком отдыхе могла быть речь, когда каждая минута была дорога и могла решить судьбы сражавшихся на передовой за Родину, – вспоминает Алексей Яковлевич. – Трудились мы под лозунгом "Все для фронта, все для победы!", и это придавало сил, помогало переносить все трудности и лишения". Позже Алексей Семенюта будет награжден медалью "За доблестный труд", пройдет уже после войны службу в армии, окончит вечернюю школу, получит профессиональное образование, начнет работать мастером по пошиву обуви, и решит в итоге связать свою судьбу с медициной.

"В руки ко мне попал справочник со специальностями, которые предлагали в то время вузы, – рассказывает Алексей Яковлевич. – Увидел Днепропетровский медицинский институт, и решил стать первым в семье врачом. Брат начал отговаривать, предложив поступать, как и он на физмат. Но, уговоры родных оказались бессильны перед моей решимостью, и я подал документы на лечебный факультет. Поступал, как медалист на льготной основе. Таких как я медалистов, было 100 человек. Правда, мы все же сдавали экзамен по физике. После первого письменного экзамена осталось только семь человек, а в институт уже после второго – устного, было зачислено четыре студента. Среди них был и я".

Время подтвердило правильность выбранной профессии, и уже на третьем курсе отличник и медалист Алексей Семенюта успешно произвел как ассистент хирурга операцию по удалению аппендицита.

В травматологию Алексея Яковлевича привел случай. Способного ученика и будущего хорошего специалиста в нем увидела врач-травматолог одной из больниц, присутствовавшая на научной студенческой конференции, где Алексей Семенюта выступал с докладом.

Так, Алексей Яковлевич стал врачом-травматологом, а потом... Потом он встретил свою большую любовь – девушку-узбечку, историка по образованию, из семьи врачей, которая жила в далеком Ташкенте. Встретившись однажды, они решили никогда больше не расставаться. Потом, правда, она уехала на родину, он писал ей нежные и теплые письма, ждал ответа, влюбленные подолгу общались по телефону.

"Помню, как мы с моей невестой пришли почти к закрытию ЗАГСа в Ташкенте, и нас сразу расписали, – говорит Алексей Яковлевич. – В тот же день сыграли веселую свадьбу, праздник отмечали два дня".

В момент, когда Алексей Семенюта вспоминает свою молодость, в кабинете раздается звонок. "Хўп бўлади, принесу обязательно", – улыбаясь, отвечает своей супруге Алексей Яковлевич, и тут же поясняет мне, – "Жена попросила взять по дороге лепешку. Уж как мы его любим в нашей семье, горячий, ароматный узбекский хлеб".



Смотришь на ветерана, перенесшего в жизни столько испытаний, и не устаешь удивляться его неиссякаемой энергии, не утраченным за долгие годы энтузиазму и вере в лучшее. Не стареющий сердцем Алексей Яковлевич свято хранит в нем не только самые искренние чувства к супруге, любовь к дочери и сыну, но и коллегам-фронтовикам. Сегодня, по его словам, в институте травматологии работает 56 пенсионеров, и Алексей Семенюта самый старший из них, единственный оставшийся на трудовом поприще фронтовик.

"Многие из моих друзей-коллег отправились на встречу с Богом, – вздыхает Алексей Яковлевич. – В прошлом году проводили в последний путь заведующую библиотекой нашего института Раису Михайловну Цареву. Она была участником Второй мировой войны, стояла у истоков образования нашего института, который образовали на базе тылового госпиталя и где была организована квалифицированная травматологическая помощь пострадавшим во время войны. Раиса Михайловна работала медсестрой травматологического отделения. Но, есть еще товарищи в наших рядах. На заслуженном отдыхе находится сейчас старшая операционная сестра Мария Михайловна Красовская, также участница войны".

Много еще имен, связанных со Второй мировой войной, хранит в себе история НИИ травматологии и ортопедии. Эти люди внесли неоценимый вклад не только в развитие медицины в республике. Они подарили нам чистое голубое небо над головой, ароматный и вкусный хлеб, который в своей молодости видели лишь во сне. Это был сон-мечта, мечта о мире, которой суждено было сбыться.

**Оксана КАДЫШЕВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

**На снимке:** *Алексей Семенюта с супругой.*

## 2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

# ИНСОН АЗИЗ БУ ЮРТДА

***9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида бўлиб ўтаётган барча тадбирлар уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, совға-салом улашиш, улар дуосини олишга йўналтирилганлиги, катта авлод вакиллари билан ёшлар ўртасида ўзаро боғланишни вужудга келтириши билан муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳридаги уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида ўтказилиб, бу ерда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари миннатдорлигини тинглаш Адолат социал-демократик ҳамда Халқ демократик партияси раҳбарларига насиб этди. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий марказы бош шифокори Равшан Қурбонов раҳбарлигида шифокорлар гуруҳи ташриф буюриб, 125 нафар отахону онахонларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди.***

Жорий йилнинг 5 май куни пансионатга "Адолат" социал-демократик партияси вакиллари ташриф буюриб, бу ерда яшаётган қарияларни Хотира ва қадрлаш куни ҳамда 1941-1945 йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги билан табриклаб, Ўзбекистонда ўрнатилган тинчлик ва осойишталик, ёши улуғ кишиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни мамнуният билан эътироф этдилар. Байрам дастурхонига ош тортилди ва отахону онахонлар концерт дастурини томоша қилиб, маданий ҳордиқ чиқардилар.

Эртаси куни пансионатга Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази шифокорлар гуруҳи ташриф буюриб, 125 нафар отахону онахонларнинг барчасини тиббий кўрикдан ўтказишди. Ёши улуғ кишиларда тез-тез кузатиладиган юрак хуружи, инфаркт, инсульт, гипертония, миокард инфаркти касалликлари безовта қилмаслигида тиббий кўрик ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

– Тиббий кўрик ўтказилишидан хабар топган барча кексаларимиз шифокор хонасига ихтиёрий равишда кела бошладилар. Узоқ умр кўришни, юраги безовта қилмаслигини ким ҳам истамайди, дейсиз? – дейди ушбу муассасанинг олий тоифали шифокори Феруза Иноғомова. – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказидан келган мутахассислар биз пансионат шифокорларига ҳам қарияларни даволаш, парвариш қилиш, дори-дармон бериш, турли даражадаги соғломлаштириш ишларини амалга ошириш юзасидан ўз йўл-йўриқ ва маслаҳатларини беришди.

Тиббий кўрикка жалб қилинган беморлар орасида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, табаррук 90 ёшдаги отахон Муҳаммад Ҳусайнов ҳам бор. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан мамнун бу отахон тетик ва бардам.

– Кардиологлар мени ҳам тиббий кўрикдан ўтказишди. Электрокардиограмма натижасига кўра, юрагимда хавфли ўзгариш йўқ экан. Шифокорлар биз қарияларни синчиклаб кўздан кечириш жараёнида танани чиниқтириш, қон айланиш ва модда алмашинувини яхшилашга хизмат қилувчи ўз маслаҳатларини беришди. Пансионатда биз қарияларнинг яшашимиз учун зарурий шарт-шароитлар яратилганидан чексиз миннатдормиз. Невропатолог, терапевт, стоматолог доимий равишда соғлигимизни назорат қилиб турадилар, – дейди Муҳаммад Ҳусайнов.

Тиббий кўрикдан ўтган табаррук ёшдаги отахон ва онахонларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиши кераклигини таъкидлашади. Юрак соҳасида жиддий ўзгариш кузатилаётган ёки сурункали юрак касалликлари билан оғриб келаётган беморларга зарурий муолажа турлари тайинланди. Зеро, инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, унинг узоқ умр кўриши учун чора-тадбир белгилаш, бетоб бўлиб қолса, зудлик билан даволашга киришиш, бу албатта, тиббиёт ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА.**

## 12 мая – Всемирный день медсестер

# ОБЩЕНИЕ — ЭТО ИСКУССТВО

## (Этико-деонтологические основы сестринского дела)

***Проблемы этики и деонтологии, включая вопросы общения, становятся особенно актуальными и социально значимыми, что обуславливает необходимость поиска путей повышения действенности и эффективности воспитания медицинских работников, в том числе и среднего медицинского персонала.***



Средний медперсонал – это огромная общественная сила, и сегодня в динамичном мире, в век высоких медицинских технологий, больным как никогда необходимы добрые и умелые руки, улыбка, сострадание, тепло и сочувствие. Именно медицинские сестры, являясь самой многочисленной группой работников здравоохранения (более 300 тысяч), могут реально оказать влияние на его развитие и внести достойный вклад в совершенствование оказания медицинской помощи населению нашей республики. Для медицинской сестры главным условием достижения общей цели в сложной, многопрофильной медицинской деятельности является необходимая профессиональная подготовка, соответствующая профессиональная компетентность. В частности, учеными описано семь областей компетенции медицинской сестры: оказание помощи; просвещение и обучение; диагностика и наблюдение; эффективная работа в стремительно меняющейся обстановке; терапевтические процедуры и режим; соблюдение и обеспечение безопасности лечебного процесса; организационные вопросы.

Значительное количество средних медицинских работников постоянно или периодически общаются непосредственно с пациентом. **Умение общаться с пациентами - это искусство, которому постоянно надо учиться.** В данном контексте особое значение приобретает первая встреча медсестры с пациентом, результат которой зависит от взаимопонимания. Именно принятый средним медицинским работником при первой встрече стиль общения, в дальнейшем определит конструктивность общения в целом. Пациенты нуждаются в проявлении должного внимания и чувства сострадания со стороны персонала лечебно-профилактического учреждения. Открывая дверь медицинского учреждения, пациент должен видеть приветливый взгляд и слышать доброжелательные слова медсестры.

От средних медицинских работников Узбекистана требуется не только высокий профессионализм, но и умение общения с коллегами и больными, проявление к ним чуткости, внимания и сердечности.

Помощь, оказываемая больному медсестрой, ее любовь и забота проявляются не только в делах, но и в словах. Слова медсестры имеют не только конкретное содержание, об очень многом говорит и их эмоциональная окраска. Одно и то же слово может иметь сотни оттенков. Нежность, ласковость, терпение и вежливость – вот неотъемлемые элементы хорошего стиля работы, в них и выражается забота и любовь медсестры по отношению к больным.

Медсестра на работе всегда должна иметь доброе, приветливое лицо и обязательно улыбку. Это действует как внушающий, располагающий фактор на пациента. Ей необходимо быть терпеливым слушателем. Это вызывает положительные эмоции у пациента, а следовательно, и расположение к медсестре.

В лечебно-профилактическом учреждении всегда должны быть идеальная чистота и порядок. Перед общением с пациентами сотрудники медицинских учреждений обязаны позаботиться о своем внешнем виде, который должен вызывать чувство доверия к медицинским специалистам. Внешний вид медицинского работника – визитная карточка не только сотрудника, но и учреждения. Внешний вид сотрудника должен быть опрятным, так как он работает с людьми. Неэстетичный внешний вид медсестры – это явление противоречащее этическим нормам, мешающее формированию доверия больного к медсестре.

Пациенты очень внимательно следят за поведением средних медицинских работников и остро воспринимают их отношение к себе, поэтому важную роль играет спокойная деловая обстановка в медицинском учреждении, отсутствие суетливости при работе с больными, уверенность и профессиональное мастерство. Все это будет способствовать повышению доверия и авторитета средних медицинских работников в глазах пациента.

*«Городская детская клиническая больница №1 г. Ташкента является крупной многопрофильной больницей, где сестринский персонал самая многочисленная и многофункциональная категория медицинских работников.*

*Многие медицинские сестры Городской детской клинической больницы №1, посвятившие свою жизнь служению идеалам гуманизма, проявившие высочайшее уважение к человеческой жизни, с честью исполнявшие долг медицинской сестры, в данное время находящиеся на заслуженном отдыхе, были наставниками молодежи* – **рассказывает главная медицинская сестра больницы, медсестра высшей категории Мехри Адилова.** *- Наставничество (“Устоз – шогирд”) - хорошо зарекомендовавшее себя как форма работы, эффективно поднимало этико - деонтологический уровень молодых медицинских сестер больницы. Авторитет старшего товарища, помноженный на многолетний опыт работы с больными, удачно усиливал и корректировал воспитательную работу.*

*В данное время более 405 сотрудников со средним медицинским образованием продолжают исполнять свой долг по совести и с достоинством. Соблюдают принципы равенства и доступности ухода для всех. Признают и уважают духовные ценности пациентов и коллег. Достойно хранят медицинскую тайну. Наравне с врачами поддерживают честь и благородные традиции медицинского коллектива и способствуют развитию профессионального сотрудничества. За 2014 год в стационаре были пролечены 23440 больных, где неоценимая роль сестринского персонала больницы. Среди них: М. Акбарова, Г. Зияева, Н. Каримова, Н. Жураева, С. Хамраева, Э. Симоненко, Э. Тошпулатова, М. Ганиева, Г. Акилова, Ф. Асилова, Н. Нигматова, М. Абдуллаева и многие другие.*

*Особо хочется отметить труд старших медсестёр больницы, являющихся организаторами работы и наставниками молодых медсестёр по уходу и лечению больных детей. Их труд всегда выделяется отчетливо, с их активным участием отлично функционируют по назначению все отделения больницы.*

*Ежегодно после окончания учебы на работу в ГДКБ №1 приходят до 30 молодых медицинских сестёр. Им необходимо помочь адаптироваться в коллективе, освоиться в профессии. Для этого к каждому молодому специалисту закрепляется наставник (“Устоз”) – опытная медицинская сестра, имеющая высокую профессиональную квалификацию.*

*В настоящее время, большинство отделений ГДКБ №1 укомплектованы средним медицинским персоналом до 100%. В первую очередь это связано с благоприятной производственной средой и высоким профессионализмом наших медицинских сестер, которые являются наставниками молодых медсестёр и пользуются большим авторитетом. Пополнение кадров происходит за счет выпускников шести медицинских колледжей г. Ташкента. При приеме на работу молодых выпускников с ними проводится беседа об особенностях работы сестринского персонала в стационаре детского профиля. Основная особенность стационара - уход и постоянное наблюдение за больными детьми. Больные дети, как правило, не жалуются на ухудшение своего состояния. Поэтому важно вовремя заметить изменения и сообщить о них врачу. Особенность детской больницы - большая физическая и психологическая нагрузка. Высокая психологическая нагрузка заключается в постоянном контроле своих эмоций, умении держать себя в руках в любых ситуациях, в поиске индивидуального подхода к каждому больному ребенку и их родителям. Наши медицинские сестры должны в совершенстве владеть навыками общения с больными и их родителями”.*



**“Медсестра должна иметь тройную квалификацию: сердечную - для понимания больных; научную - для понимания болезней; техническую - для ухода за больными”, - писала медицинская сестра Флоренс Найтингейл.**

В 1961 году на Международном совете медсестер была указана основная функция сестры – “оказание помощи индивидууму, больному или здоровому, в выполнении всех видов деятельности, связанных с укреплением здоровья или его восстановлением, какие он принял бы сам, если бы имел необходимую силу, знания и волю. И делается это так, чтобы помочь ему стать самостоятельным как можно скорее”.

Медицинская сестра должна стремиться быть профессионально грамотным, компетентным, независимым специалистом, обладающим необходимыми для данной работы личностными характеристиками, а также здоровьем. Чтобы исполнять свои профессиональные обязанности, среднему медицинскому персоналу очень важно поддерживать свое физическое и психическое здоровье, т.е. динамическую гармонию личности с окружающей средой.

**Исроил ИСМОИЛОВ,**
**врач городской детской клинической больницы,**
**г.Ташкент.**

### *Хабарлар*

## «Саломатлик поезди» жўнаб кетди

**Пойтахтимиздаги марказий темир йўл вокзалидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига навбатдаги “Саломатлик поезди” йўл олди. Ушбу поезд “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ва “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

**Мазкур тиббий-ижтимоий акциядан кўзланган мақсад чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли, жумладан, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат.**

**Тадбир доирасида ушбу вилоятларда 13 майга қадар “Саломатлик кунлари” ташкил этилади. Ушбу хайрия акция давомида аҳолига, даволаш-профилактика ва махсус тиббий-ижтимоий муассасаларга қиймати 1 миллиард сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари, ногиронлик аравачалари, кийим-кечак, дори-дармон, тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари, ўқув қуролларидан иборат мурувват ёрдамлари етказиб берилади.**

**(ЎзА).**

*Анжуман*

# НЕЙРОЖАРРОҲЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

***Нейрожарроҳлик соҳасида ҳамкорлик ривожланмоқда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида нейрожарроҳлик соҳасида инновацияларни қўллаш мавзусига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 160 нафардан зиёд нейрожарроҳ иштирок этди.***




Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида замонавий ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилиб, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани ва даволашда янги усуллардан кенг фойдаланилаётганини таъкидлади. Аҳолига шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизими изчил такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон нейрожарроҳлик хизмати томонидан марказий асаб тизими шикастланганда, шунингдек, бош ва орқа мия касалликларида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилаётир. Мамлакатимизнинг юқори малакали нейрожарроҳлари марказий асаб тизими бузилиши, бош мия томирлари аневризми, инсульт асоратларини даволаш бўйича мураккаб операциялар ўтказмоқда. Шунингдек, радикулит, бош ва орқа мияда ўсимтаси бўлган беморлар ҳам жарроҳлик амалиёти ёрдамида шифо топмоқда. Мазкур жарроҳлик амалиётини ўташда замонавий микронейрожарроҳлик техникаси кенг қўлланилаётир.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази филиаллари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мавжуд бўлиб, беморларга, жумладан, шошилинч нейрожарроҳлик паталогияси бор инсонларга туну кун ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Юқори малакали мутахассислар томонидан ташхис қўйиш ва даволаш бўйича янги технологияларнинг қўлланилаётгани бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш имконини бермоқда.

Хорижий клиникалар билан алоқалар йўлга қўйилаётгани ва ҳамкорликнинг янада кенгайтирилаётгани Германия, Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Италия, Швейцария, Туркия, Финляндия, Россия каби давлатларнинг таниқли нейрожарроҳлари иштирокида семинар-тренинглар ўтказилаётгани мамлакатимиз нейрожарроҳлик соҳасини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Юртимиз шифокорлари хорижлик ҳамкасблари билан мунтазам тажриба алмашмоқда.

– Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сифатли нейрожарроҳлик хизматлари кўрсатилмоқда, – дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали нейрожарроҳи Сайдулло Шарифбоев. – Масалан, бизнинг филиалда бош мия томирлари аневризмаси мавжуд ва инсультга чалинган беморларни шошилинч операция қилиш йўлга қўйилди. Бу беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш билан бирга уни нормал ҳаётга қайтариш имконини бераётир.

Икки кунлик семинар доирасида нейрожарроҳлик ва нейрореанимациянинг долзарб масалаларини ҳал этишга қаратилган янги ютуқлар ва замонавий ечимларга бағишланган маҳорат сабоқлари ўтказилди, маърузалар тингланди. Семинарнинг биринчи кунида россиялик мутахассислар нейрожарроҳлик соҳасидаги замонавий технологиялар ва клиник тадқиқотлар хусусида сўзлаб берди. Иккинчи кун дастуридан мамлакатимиз шифокорларининг бош мия ўсимтаси ва болалар нейрожарроҳлигига бағишланган маърузалари ўрин олди.





– Ўзбекистонда нейрожарроҳлик хизмати жадал ривожланмоқда, – дейди академик Н. Бурденко номидаги Нейрожарроҳлик илмий-тадқиқот институти раҳбари, профессор Александр Потапов (Россия). – Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйганмиз.

**Таъкидлаш жоизки, улар юқори малакали ва моҳир нейрожарроҳлардир. Икки давлат нейрожарроҳлари ўртасида мунтазам тажриба алмашиш тиббиётнинг ушбу соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилади.**

**(ЎзА).**

*Грани сотрудничества*

# НОВЫЙ ВЗГЛЯД НА СТАРЫЕ БОЛЕЗНИ

***Известно, что болезнь лучше предупредить, чем лечить. Но, как быть в случае, если первые признаки заболевания слабо выражены и могут возникнуть за много лет до развития недуга, излечить который вследствии практически невозможно? Современная медицинская наука не стоит на месте, и ученые сегодня уже находят ответы на, казалось бы, риторические вопросы. Прошедший в Узбекистане впервые Международный образовательный курс “Паркинсонизм и двигательные нарушения” помог врачам-неврологам со всей республики повысить уровень своей квалификации, взглянуть под принципиально новым углом зрения на диагностику и лечение тяжелых неврологических заболеваний.***

В открытии мероприятия на тему “Болезнь Паркинсона, торсионная дистония и другие заболевания экстрапирамидной системы. Вопросы диагностики и стандарты лечебной тактики, приоритетные задачи на будущее” приняли участие Министр здравоохранения Республики Узбекистан Анвар Алимов и ректор Ташкентской медицинской академии Шавкат Каримов.

Образовательный курс, организованный по инициативе ТМА, в частности кафедры неврологических болезней под руководством профессора Рахимбаевой Гульнары, был проведен в рамках образовательного гранта Всемирной Федерации Неврологов (WFN) и Международной Ассоциации по болезни Паркинсона и двигательным нарушениям (IA PD and RD).

Как было отмечено в ходе образовательного курса, в каждом из учреждений системы Центров экстренной помощи в республике имеются неврологические отделения, оснащенные современной, отвечающей мировым стандартам диагностической аппаратурой – магнитно-резонансной и компьютерной томографией, нейрофизиологическими и биохимическими лабораториями. Сегодня наши специалисты-неврологи имеют возможность выезжать на европейские и всемирные конгрессы в области неврологии, совершенствовать свои знания в области церебро-васкулярных заболеваний, эпилептологии, дегенеративных и наследственных заболеваний нервной системы.

– *Цель данного курса,* – **рассказала ассистент кафедры ТМА, врач-невропатолог Юлдуз Мусаева,** – *в первую очередь совершенствование знаний и практических навыков врачей-неврологов Узбекистана, молодых специалистов и студентов-медиков в области неврологии. В дальнейшем планируется внедрение современных методов диагностики и лечения в повседневную врачебную практику, а также обмен знаниями между врачами-неврологами. Сегодня для лечения болезни Паркинсона в Узбекистане уже применяются новейшие и довольно успешные препараты.*

*Примечательно, что в рамках образовательного курса, куда мы пригласили ведущих ученых из разных стран мира в области неврологии, пройдут мастер-классы. Для участия в них нашей кафедрой были выбраны пациенты с демиелинизирующими и дегенеративными заболеваниями нервной системы. Зарубежные коллеги помогут нашим специалистам в ситуации с данными больными в диагностировании их болезни и дальнейшем выборе тактики лечения.*

В рамках образовательного курса участниками были заслушаны доклады на такие актуальные темы, как “Болезнь Паркинсона – новые аспекты и роль амантадина”, “Нуждаемся ли мы в новой леводопе?”, “Эпидемиология и клинические проявления болезни Паркинсона” и многие другие.

В ходе выступления участников прозвучали интересные факты, касающиеся ранней диагностики и лечения болезни Паркинсона. Так, в ходе ряда исследований было выявлено, что к ранним проявлениям этого страшного недуга относятся стойкая гипертензия, нарушение функции органов чувств, в частности, цветового восприятия, нарушения сна и другие. К сожалению, на сегодня не созданы пока нейропротекторные средства, которые помогли замедлить развитие болезни Паркинсона или Альцгеймера. Но, получены положительные результаты в сфере изучения влияния физических упражнений на замедление развития болезни или же ее полного устранения.

*- Болезнь Паркинсона и ряд других болезней, связанных с двигательными нарушениями имеет генетическую предрасположенность,* – **говорит ассистент кафедры неврологических болезней ТМА Фарход Юнусов.** – *Вот почему при малейшем подозрении на данное заболевание так важно своевременно провести генетическое обследование. У нас такое обследование стало пилотным проектом в рамках международного гранта компании MDS (Moverment Disorolers Society). В ходе обследования было выявлено, что у людей разных национальностей разные гены отвечают за болезнь Паркинсона. Интересно было узнать в ходе образовательного курса о позитронно-эмиссионной томографии, позволяющей выявить хронические дегенеративные изменения в головном мозге и таким образом на ранней стадии диагностировать болезнь Паркинсона.*

Международный образовательный курс, несомненно, стал престижным медицинским форумом и в дальнейшем будет вносить значительный вклад в развитие и популяризацию в Узбекистане достижений современной неврологии, станет важнейшим элементом непрерывного профессионального образования.

**Оксана КАДЫШЕВА.**



## Жасорат, бурч, матонат

# ФАХРИЙЛАР МЕҲНАТИ ДОИМО ЭЪЗОЗДА

***Шу кунларда республикамизнинг барча худудларида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бир қатор маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги 2-Республика клиник шифохонасида ҳам ташкил этилди. Унда мазкур тиббиёт муассасасида кўп йиллар меҳнат қилган шифокору ҳамширалар, кекса фахрийлар, элимиз ардоғидаги санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.***



Тадбирни кириш сўзи билан очган академик Турғунпўлат Даминов Президентимиз раҳнамолигида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий, пенсия ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини эътироф этиб, тадбирда иштирок этаётган уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда кексалик гаштини сураётган онахону отахонларни қизғин қутладилар.

*– Тадбиримиз ўз номи билан инсонларга меҳр-оқибатли бўлиш, уларни қадрлаш, ҳурмат-эътибор кўрсатиш ва кўнглига хуш кайфият улашиш байрами ҳамдир. Ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу тадбирга нафақат уруш қатнашчилари, балки бир неча йиллар давомида шу масканда ҳалол ишлаб, элга хизмат қилган, айни дамда оилаunion бағрида нафақа ёшини ўтаётган собиқ ходимларимизни ҳам таклиф этамиз. Дийдорлашувдан хурсанд бўлган ҳамкасбларимиз Президентимизнинг бундай эътибор ва ғамхўрликларидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар,* – **дейди 2-Республика клиник шифохонаси бош шифокори Мирносир Мирюнусов.**

*– Аввало, бугунги тадбирда иштирок этаётганимдан ғоят хурсанд бўлиб, Юртбошимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 2-Республика клиник шифохонаси аҳил жамоасига ташаккуримни билдираман. Айниқса, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар кўп йиллар мобайнида ўзининг ҳалол меҳнати билан эл назарига тушган инсонлар хизматини хотирлаш ва бугунги кунда кексалик гаштини сураётган биздек онахон ва отахонларга кўрсатилаётган катта ҳурмат деб биламан. Албатта, ўзим тенги ва бирга хизмат қилган фахрийлар даврасида ана шундай байрамда қатнашиш мен учун катта бахтдир. Кўп йиллар ушбу шифо масканида болалар шифокори бўлиб ишладим. Бугунги тадбирда ҳам бахтиёр ёшларни, жажжи ўғил-қизчаларни кўриб, улар билан яна бирга ишлаш иштиёқи, ҳаваси уйғонди,* – **дейди меҳнат фахрийси 75 ёшли онахон Феруза Тиллаева.**

– Бундай тадбирлар бизни янада қувонтиради. Фахрийларни кўриш, улар билан суҳбатлашиш ва хотиралар билан ўртоқлашиш имконини яратади. Муҳтарам Юртбошимизнинг доимий эътиборлари туфайли биз кекса авлод вакиллари саломатлиги мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Фахр билан айтишим жоизки, мазкур шифо масканида кўп йиллар давомида фельдшерлик вазифасида ишлаб, халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилганимдан мамнунман. Айниқса, шифохона бош шифокори Мирносиржоннинг олиб бораётган самарали ишлари туфайли, клиникада катта ўзгаришлар бўлиб, даволанувчилар учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Биз каби кексаларни, қолаверса, ҳудудимизда истиқомат қилаётган фахрийларни байрам дастурхонига таклиф этган Мирносиржон ва тажрибали шифокор ҳамда меҳрибон ҳамшираларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз, – **дейди Усмон ота Саидкаримов.**

– Ҳар йили саломатлигимни тиклаш мақсадида ушбу сўлим масканга ташриф буюриб, даволаниб кетаман. Бу ернинг ҳавоси тоза, табиати оромбахш, шифокору ҳамшираларининг ширинсуханлиги руҳимга тетиклик, ижодимга илҳом бағишлайди. Шифохона бош шифокорининг бевосита ташаббуси билан ҳар йили байрамларда биз каби санъаткорлар таклиф қилиниб, беморларга, меҳнат фахрийларига байрамона кайфият, ўзгача иликлик улашишга ҳаракат қиламиз. Ўзимиз ҳам ширин хотираларимизни ёдга олиб, бугунги дориламон кунларга шукрона айтамиз, – **дейди Ўзбекистон халқ артисти Тўтихон Юсупова.**

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва нафақадаги шифокору ҳамшираларга ташкилотчилар томонидан ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди. Устозлар меҳнати эътироф этилди.

Тадбир сўнггида фахрийлар учун хушнаво қўшиқлар ва жозибали рақслар ижро этилди.



**Намоз ТОЛИПОВ.**
**Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.**

# АСРИЙ ҲАҚИҚАТНИНГ БУГУНГИ КЎРИНИШИ

**Тошкент тиббиёт академияси мамлакатимиздаги нуфузли олий таълим муассасаларидан бири бўлиб, бу ерда малакали кадрлар тайёрланиб, етук мутахассис сифатида даволаш масканларига йўл оладилар.**

Академияда кадрлар тайёрлаш жараёнига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, тиббиётнинг долзарб мавзуларида илмий-тадқиқот олиб бориб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари рўйхати шакллантирилган бўлиб, байрам тадбирларида уларнинг ҳар бирига ректорат, касаба уюшмаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Бу галги тадбир 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилди. Байрам тадбирини Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор Шавкат Каримов табрик сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

– Халқимиз турмуш тарзидаги энг ажойиб анъаналардан бири ёши улуғ кишиларнинг ҳурматини жойига қўйишдир. Истиқлол йилларида бу қадрият давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, 2015 йилга Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берилгани ва бунинг учун алоҳида Давлат дастурининг қабул қилингани асрий ҳақиқатнинг яна бир карра тан олинишидир. Академиямизда ўз умрининг асосий қисмини талабаларга сабоқ бериш, тиббиётнинг қайсидир йўналишида изланиш олиб бориш, бўлғуси олимларга устозлик қилиб, илмий-тадқиқот ишларида кўмаклашишдек эзгу ишга бағишлаган меҳнат фахрийлари жуда кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, доцент Мавлют Ғуломов ҳам бор. У киши уруш даври машаққатларини бошидан ўтказган, Ватан озодлиги йўлида жонини аямаган ҳамкасбларимиздан бири сифатида бугунги тадбиримизнинг азиз меҳмонидир. Шунингдек, фронт ичкарисида ўз меҳнати, собит иродаси билан ғалабанинг қўлга киритилишига ҳисса қўшган фахрийларимизни ҳам қутлуғ сана 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, 1941-1945 йилларда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги билан самимий табриклаймиз.



Тошкент тиббиёт академиясида уруш ва меҳнат фахрийлари билан турли тадбирларни ўтказиш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан ёш мутахассисларни мустақил ҳаётга муносиб қилиб тарбиялашда фойдаланиш масаласи “Нуроний” жамғармасининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Меҳнат фахрийси Фатхулла Ғайбуллаев бу савоб ишни ўз зиммасига олган. Тадбирда у киши ҳам сўз олиб, уруш иштирокчилари, меҳнат фахрийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, саломатликларини тиклаш, маданий дам олишларини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди.

Тадбирга таклиф қилинган 16 нафар фахрийларга академия маъмурияти томонидан турли эсдалик совғалари топширилди.

**Хулкар КУЗМЕТОВА.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 6635 нусха.
Буюртма Г-558.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.